

**Асосий иқтисодий  
кўрсаткичлар**

	Млрд. сўм	2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	171369,0	108,0
Саноат маҳсулоти	91705,3	108,0
Истеъмол товарлари	36192,6	109,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	42280,4	106,8
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	40737,3	109,6
Қурилиш ишлари	25329,1	117,8
Юк айланмаси, млрд. тн–км	88,9	103,7
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	105,8	105,7
Чакана товар айланмаси	71025,6	115,1
Пуллик хизматлар	27346,2	110,8
Хизматлар, жами	89326,3	114,0
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл. <sup>*)</sup>	25286,1	91,8
экспорт	12870,6	95,0
импорт	12415,5	88,8

\*) Давлат божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда

	Млрд. сўм	2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Салдо(+;-)	455,1	x

### Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг январь–декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 171369,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 8,0 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 82,9 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 17,1 фоизи – давлат секторига тўғри келди.

Январь–декабрда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:


#### якунга нисбатан фоиз ҳисобида





Январь–декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг таркиби:

#### якунга нисбатан фоиз ҳисобида

2014й.  
январь— декабрь



2015й.  
январь— декабрь



## Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 278,5 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 257,8 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 92,6 фоизини ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 27,5 фоизи), саноат (17,6 фоизи), қурилиш (9,0 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (8,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:


	рўйхатга олинганлар		фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	278,5	100,0	257,8	100,0
шу жумладан:				
саноат	48,9	17,6	45,6	17,7
қурилиш	25,0	9,0	22,8	8,8
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	22,6	8,1	20,3	7,9

	рўйхатга олинганлар		фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
транспорт ва алоқа	11,7	4,2	10,8	4,2
ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	23,7	8,5	21,8	8,4
савдо ва умумий овқатланиш	76,6	27,5	69,0	26,8
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	4,3	1,5	4,0	1,5
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	11,6	4,2	11,3	4,4
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	22,0	7,9	21,6	8,4
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	32,1	11,5	30,6	11,9

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 86,0 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шундан 30,4 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 53,8 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 январь ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2015 йилнинг январь–декабрида 27,9 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 26,9 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 25,5 фоизи), Тошкент (9,9 фоизи), Фарғона (8,4 фоизи) ва Самарқанд (7,6 фоизи) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 29,3 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 23,7 фоизи саноат ва 10,8 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 23,7 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 5,8 мингтаси (жами фаолияти тугатилганларнинг 24,4 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2015 йилнинг январь–декабрида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



### Кичик тадбиркорлик (бизнес)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни

ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2015 йилнинг январь–декабрида 26,9 мингта янги кичик бизнес субъектларини (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,3 фоизга кўпдир).

2015 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

– 10178,9 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,9 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 7949,4 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 2229,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 35699,7 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 38,9 фоизи) ёки 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 119,8 фоизни ташкил қилди;

– 14789,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 36,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 18,1 фоизга ўсди;

– 17015,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,2 фоизи) бажарилди ва 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 14,4 фоизга кўпайди;

– автомобил транспорти юк айланмасининг 8,5 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 83,9 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 8,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 89,9 фоизи) кўпайиши таъминланди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 87,1 фоизи ёки 61839,9 млрд. сўми (ўсиш 16,0 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг, мос равишда 50,8 фоизи ёки 13881,7 млрд. сўми (ўсиш 15,0 фоиз) шакллантирилди;

– 3461,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 26,9 фоизи) миқдоридида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 5524,8 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 44,5 фоизи) миқдоридида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.


2015 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Саноат	35699,7	44,6
Қишлоқ хўжалиги	41591,3	100,0
Қурилиш	17015,0	66,4
Чакана савдо	61839,9	83,8
Пуллик хизматлар	13881,7	89,7
Юк ташиш, млн.тн	744,8	65,6
Йўловчи ташиш, млн.киши	6600,1	92,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	3461,6	3,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	5524,8	8,8

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9376,4 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 92,1 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2015 йилнинг январь–декабрида 848 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Ҳисобот даврида Тошкент вилоятида 128 та, Наманган вилоятида 108 та, Фарғона вилоятида 100 та, Андижон вилоятида 82 та, Қашқадарё вилоятида 54 та, Жиззах вилоятида 53 та ва Сурхондарё вилоятида 52 та объект хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади ва 478 та объектни ташкил этади.

2015 йилнинг январь–декабрида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағлари 103,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 61,0 фоизи), Тошкент (11,6 фоизи), Фарғона (4,9 фоиз), Наманган (4,4 фоиз), Хоразм (4,0 фоиз) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (3,5 фоиз) тўғри келади.

## Ташқи иқтисодий алоқалар

2015 йилнинг январь–декабрида ташқи савдо айланмаси 25286,1 млн. АҚШ долларини, жумладан 12870,6 млн. АҚШ долларини – экспорт операциялари, 12415,5 млн. АҚШ долларини – импорт операциялари ташкил этади. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 455,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.


2015 йилнинг январь–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида республиканинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

млн. АҚШ доллари	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
---------------------	-------------------------------------

	млн. АҚШ доллари	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>25286,1</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	9865,2	39,0
бошқа давлатлар	15420,9	61,0
<b>Экспорт</b>	<b>12870,6</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	5546,1	43,1
бошқа давлатлар	7324,5	56,9
<b>Импорт</b>	<b>12415,5</b>	<b>100,0</b>
МДҲ мамлакатлари	4319,1	34,8
бошқа давлатлар	8096,4	65,2
<b>Сальдо</b>	<b>455,1</b>	<b>х</b>
МДҲ мамлакатлари	1227,0	х
бошқа давлатлар	-771,9	х

Январь–декабрда республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




**2015 йилнинг январь–декабрида республика экспорт–импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:**

	млн. АҚШ доллари	таркиби, фоиз ҳисобида
<b>Экспорт</b>	<b>12870,6</b>	<b>100,0</b>
пахта толаси	736,1	5,7
озиқ–овқат маҳсулотлари	1317,1	10,2
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	612,3	4,8
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3335,4	25,9
қора ва рангли металллар	821,8	6,4
машина ва ускуналар	157,0	1,2
хизматлар	3150,0	24,5
бошқалар	2740,9	21,3
<b>Импорт</b>	<b>12415,5</b>	<b>100,0</b>

	млн. АҚШ доллари	таркиби, фоиз ҳисобида
озиқ-овқат маҳсулотлари	1585,2	12,8
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	2108,2	17,0
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	725,0	5,8
қора ва рангли металллар	919,4	7,4
машина ва ускуналар	5026,7	40,5
хизматлар	953,0	7,7
бошқалар	1098,0	8,8

## Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

### умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2015 йилнинг январь–декабрида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	млн. АҚШ доллари	2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика то– январь–декабрига вар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида
Хитой	5028,7	111,2	19,9
Россия	4413,3	75,3	17,5
Қозоғистон	3021,9	86,4	12,0
Корея Республикаси	1716,6	84,3	6,8
Туркия	1198,5	79,6	4,7
Германия	521,5	75,3	2,1
Афғонистон	444,5	73,9	1,8
Эрон	377,5	100,6	1,5


	млн. АҚШ доллари	2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика то- вар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида
Украина	334,1	54,9	1,3
Туркменистон	319,7	77,4	1,3
Бразилия	319,1	123,1	1,3
Ҳиндистон	318,6	100,6	1,3
Франция	300,7	103,0	1,2
Литва	269,7	2,8 м.	1,1
АҚШ	264,9	90,5	1,0
Япония	253,4	133,1	1,0
Латвия	173,4	69,3	0,7
Тожикистон	167,2	104,4	0,7
Италия	165,9	87,7	0,7
Бангладеш	149,4	171,1	0,6
Қирғизистон	148,2	65,6	0,6
Польша	127,7	87,6	0,5
БАА	113,3	92,5	0,4
Беларусь	108,8	61,2	0,4
Греция	106,0	98,3	0,4
Буюк Британия	105,7	90,9	0,4
Швейцария	98,7	64,8	0,4
Грузия	98,2	47,9	0,4
Малайзия	89,9	112,9	0,4
Бельгия	82,2	91,8	0,3
Сингапур	81,8	102,1	0,3
Нидерландия	78,8	79,1	0,3
Чехия Республикаси	73,6	74,7	0,3
Австрия	70,6	72,7	0,3
Венгрия	44,5	70,2	0,2
Финляндия	42,5	104,2	0,2
Исроил	42,0	61,2	0,2
Словения	41,3	97,9	0,2

	млн. АҚШ доллари	2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика то– вар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида
Болгария	41,2	162,2	0,2


2015 йилнинг январь–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

## Экспорт

МДХ




Бошқа давлатлар












## Импорт

МДХ



Бошқа давлатлар



-  Пахта толаси
-  Озиқ-овқат маҳсулотлари
-  Кимёвий ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар
-  Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
-  Қора ва рангли металллар
-  Машина ва ускуналар
-  Хизматлар
-  Бошқалар

**Саноат**



Ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришни рағбатлантириш ҳамда қўллаб

– қувватлашга қаратилган чора–тадбирларнинг амалга оширилиши республика саноатининг барқарор ўсишда давом этишини таъминлади. 2015 йилнинг январь–декабрь ойларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 91705,3 млрд. сўмни ёки 2014 йилнинг тегишли даврига нисбатан 108,0 фоизни ташкил этиб, меҳнат унумдорлиги 6,3 фоизга ошди.

Хусусий тадбиркорликни хар томонлама қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора–тадбирлар кичик бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришидаги улушининг ортишига ўз таъсирини кўрсатди ҳамда 38,9 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 34,8 фоиз) ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2015 йилнинг январь–декабрь ойларида 4007,5 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ассортименти ва ҳажмини кенгайтиришни қўллаб–қувватлашга қаратилган чора–тадбирлар натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 36192,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 109,7 фоизни ташкил қилди, жумладан озиқ–овқат маҳсулотлари 16561,9 млрд. сўмни ва 117,8 фоизни, ноозиқ–овқат маҳсулотлари эса 19630,7 млрд. сўмни

ва 103,6 фоизни ташкил қилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 39,5 фоизга етди.



2015 йилнинг январь–декабрида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2014 й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	91705,3	108,0
шу жумладан:		
электроэнергетика	6892,8	105,3
ёқилғи	12154,4	104,8
қора металлургия	2075,6	111,1

	млрд. сўм	2014 й. январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
рангли металлургия	7579,4	103,1
кимё ва нефт–кимё	4 686,7	107,5
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	15065,7	97,0
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз	1460,1	115,6
қурилиш материаллари	4603,8	114,1
енгил	15318,1	116,6
озиқ–овқат	16729,2	114,4

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Электроэнергетика
- Ёқилғи саноати
- Қора металлургия
- Рангли металлургия
- Кимё ва нефт– кимё саноати
- Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
- Ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза– қоғоз саноати
- Қурилиш материаллари саноати
- Енгил саноат
- Озиқ– овқат саноати
- Бошқа тармоқлар


## Қишлоқ хўжалиги

2015 йилнинг январь–декабрида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажми 42280,4 млрд. сўмни ёки 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 25084,8 млрд. сўмни (106,7 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 17195,6 млрд. сўмни (106,8 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари улуши 65,4 фоизни (2014 йилнинг январь–декабрида 65,1 фоиз), фермер хўжалиklarининг улуши – 32,6 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 32,9 фоиз), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг улуши – 2,0 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 2,0 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Деҳқончилик.** 2015 йилнинг январь–декабрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 59,3 фоизни (2014 йилда 59,0 фоизни) ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 2014 йилда қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3695,1 минг гектарни ташкил этди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1671,6 минг гектарни ёки 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 101,0 фоизни, шу жумладан, буғдой экин майдони – 1445,7 минг гектарни (99,4 фоизни) ташкил қилди.

Пахта экин майдони 1298,0 минг гектарни ёки 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 99,8 фоизни ташкил этди.

Озуқа экинлари майдони – 0,5 фоизга, картошка экин майдонлари – 0,4 фоизга, полиз экинлари майдони – 0,9 фоизга, сабзавот экин майдони – 1,1 фоизга кўпайди.

2015 йилнинг январь–декабрида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 8176,6 минг тонна дон (дастлабки кирим қилинган вазнда) экинлари ишлаб чиқарилди, шу жумладан 7206,5 минг тоннасини бошоқли дон, шундан 6966,9 минг тоннасини буғдой ташкил этди.

2015 йил январь–декабрь ҳолатига асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Донли экинлар	8176,6	101,6

	минг тонна	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	7206,5	100,3
шундан:		
буғдой	6966,9	100,2
Пахта хом ашёси	3361,3	98,9
Картошка	2696,7	110,0
Сабзавот	10128,1	109,1
Полиз	1853,1	109,3
Мева ва резаворлар	2746,2	110,3
Узум	1579,0	109,6

Ҳисобот даврида 2696,7 минг тонна картошка қазиб олинди (2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 10,0 фоизга кўп), 10128,1 минг тонна сабзавот (9,1 фоизга кўп), 1853,1 минг тонна полиз экинлари

(9,3 фоизга кўп), 2746,2 минг тонна мева ва резаворлар (10,3 фоизга кўп) ҳамда 1579,0 минг тонна узум (9,6 фоизга кўп) йиғиб олинди.

Чорвачилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 40,7 фоизни (2014 йилда – 41,0 фоиз) ташкил этди.

2015 йилнинг 1 январига нисбатан барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 642,6 минг бошга (5,8 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 88,4 минг бошга (2,2 фоизга), қўй ва эчкилар сони 648,7 минг бошга (3,5 фоизга), паррандалар сони 4875,5 минг бошга (8,7 фоизга) кўпайди.

Деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,1 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,8 фоизни, шу жумладан сигирлар мос равишда – 94,6 ва 4,5 фоизни, қўй ва эчкилар – 83,8 ва 7,4 фоизни, отлар – 85,1 ва 9,3 фоизни, паррандалар – 64,4 ва 11,8 фоизни ташкил этди.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича ифодаланади:

	минг бош	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
--	----------	--------------------------------

	минг бош	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>11637,2</b>	<b>105,8</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>фермер хўжаликлари</b>	<b>556,6</b>	<b>102,1</b>
<b>деҳқон ва аҳолининг шахсий     ёрдамчи хўжаликлари</b>	<b>10953,2</b>	<b>106,1</b>
<b>қишлоқ хўжалиги фаолиятини     амалга оширувчи ташкилотлар</b>	<b>127,4</b>	<b>105,0</b>
<b>улардан сизирлар</b>	<b>4173,2</b>	<b>102,2</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>фермер хўжаликлари</b>	<b>187,9</b>	<b>100,4</b>
<b>деҳқон ва аҳолининг шахсий     ёрдамчи хўжаликлари</b>	<b>3948,5</b>	<b>102,2</b>
<b>қишлоқ хўжалиги фаолиятини     амалга оширувчи ташкилотлар</b>	<b>36,8</b>	<b>103,1</b>
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>19096,1</b>	<b>103,5</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>фермер хўжаликлари</b>	<b>1405,6</b>	<b>105,2</b>
<b>деҳқон ва аҳолининг шахсий     ёрдамчи хўжаликлари</b>	<b>15994,7</b>	<b>103,5</b>
<b>қишлоқ хўжалиги фаолиятини     амалга оширувчи ташкилотлар</b>	<b>1695,8</b>	<b>102,7</b>
<b>Отлар</b>	<b>216,6</b>	<b>101,5</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>фермер хўжаликлари</b>	<b>20,1</b>	<b>97,1</b>
<b>деҳқон ва аҳолининг шахсий     ёрдамчи хўжаликлари</b>	<b>184,4</b>	<b>102,2</b>

	минг бош	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	12,1	98,7
Паррандалар	61070,5	108,7
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	7234,6	108,5
деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари	39323,1	110,4
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	14512,8	104,4

2015 йилнинг январь–декабрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 2033,5 минг тонна гўшт (2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 6,7 фоизга кўп), 9028,2 минг тонна сут (7,1 фоизга кўп), 5526,0 млн. дона тухум (11,6 фоизга кўп), 36,0 минг тонна жун (4,8 фоизга кўп) етиштирилди.

2015 йилнинг январь–декабрида хўжалик тоифалари бўйича асосий чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	миқдори	жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	2033,5	100,0	106,7
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	58,3	2,9	105,5
деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари	1920,7	94,4	106,7
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	54,5	2,7	106,9
Сут, минг тн.	9028,2	100,0	107,1
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	328,4	3,6	106,4

	миқдори	жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари	8635,3	95,7	107,1
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	64,5	0,7	108,2
Тухум, млн. дона	5526,0	100,0	111,6
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	613,6	11,1	113,0
деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари	3105,5	56,2	113,9
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1806,9	32,7	107,5
Жун, тн.	36036	100,0	104,8
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	2871	8,0	102,6
деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари	30813	85,5	104,5
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2352	6,5	111,3
Қоракўл тери, минг дона	1035,0	100,0	97,3
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	55,8	5,4	106,0



	миқдори	жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари	860,4	83,1	103,4
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар	118,8	11,5	66,4

Гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжалиklarининг улуши 94,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда

95,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 56,2 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2015 йилнинг январь–декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 13801,1 млрд. сўмни ёки 2014 йилнинг тегишли даврига нисбатан 104,3 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши

32,6 фоизни ташкил этди.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжалиklarида йирик шохли қорамоллар 556,6 минг бошни, шу жумладан сигирлар 187,9 минг бошни, қўй ва эчкилар 1405,6 минг бошни, отлар 20,1 минг бошни, паррандалар 7234,6 минг бошни ташкил қилди.

2015 йилнинг 1 январига нисбатан йирик шохли қорамоллар 11,4 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 фоизга), шу жумладан сигирлар – 0,7 минг бошга (0,4 фоизга), қўй ва эчкилар – 69,0 минг бошга (5,2 фоизга), паррандалар – 563,8 минг бошга (8,5 фоизга) кўпайди.

2015 йил январь–декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Донли экинлар	6588,2	80,6	101,5
Пахта хом ашёси	3344,9	99,5	98,9
Картошка	632,1	23,4	108,1

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Сабзавотлар	3458,5	34,2	106,3
Полиз экинлари	907,2	49,0	107,8
Мева ва резаворлар	1260,1	45,9	110,9
Узум	843,8	53,5	110,1
Гышт (тирик вазнда)	58,3	2,9	105,5
Сут	328,4	3,6	106,4
Тухум, млн. дона	613,6	11,1	113,0
Жун, тонна	2871	8,0	102,6
Қоракўл, минг дона	55,8	5,4	106,0

## Инвестициялар ва қурилиш

2015 йилнинг январь–декабрида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий миқдори 40737,3 млрд. сўмга (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 15,7 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди) ёки 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 109,6 фоизга тенг бўлди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати 23,8 фоизни ташкил этиб, 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 0,7 фоиз пунктга ўсди.

2015 йилнинг январь–декабрида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

қуйида  
келтирилган:

	<u>якунга нисбатан фоиз ҳисобида</u>		
	Жами	шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами инвестициялар, млрд.сўм	40737,3	7155,7	33581,6
шу шумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
давлат бюджети маблағлари	4,8	24,3	0,7
давлат мақсадли фондлари маблағлари	6,1	34,7	0,0
корхоналар ва аҳоли маблағлари	52,1	21,2	58,7
чет эл инвестициялари ва кредитлари	20,1	13,5	21,5
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	11,7	2,1	13,7
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	4,6	0,8	5,4
болалар спортини ривожлантриш фонди маблағлари	0,6	3,4	0,0

2015 йилнинг январь–декабрида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоиз ҳисобида
Жами	40737,3	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	26644,6	65,4

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоиз ҳисобида
<b>Саноат</b>	<b>15809,7</b>	<b>38,8</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>ёқилғи-энергетика</b>	<b>9661,9</b>	<b>23,7</b>
<b>металлургия</b>	<b>976,3</b>	<b>2,4</b>
<b>кимё ва нефт-кимё</b>	<b>1048,5</b>	<b>2,6</b>
<b>машинасозлик</b>	<b>993,4</b>	<b>2,4</b>
<b>енгил</b>	<b>1026,7</b>	<b>2,5</b>
<b>озиқ-овқат</b>	<b>565,3</b>	<b>1,4</b>
<b>қурилиш материаллари</b>	<b>402,3</b>	<b>1,0</b>
<b>қишлоқ хўжалиги</b>	<b>1506,5</b>	<b>3,7</b>
<b>қурилиш</b>	<b>1633,6</b>	<b>4,0</b>
<b>транспорт ва алоқа</b>	<b>4550,7</b>	<b>11,2</b>
<b>савдо ва овқатланиш</b>	<b>2272,3</b>	<b>5,6</b>
<b>геология ва ер ости бойликларини излаш</b>	<b>60,8</b>	<b>0,1</b>
<b>бошқалар</b>	<b>811,0</b>	<b>2,0</b>
<b>Ноишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>14092,7</b>	<b>34,6</b>
<b>уй-жой қурилиш</b>	<b>8360,0</b>	<b>20,5</b>
<b>коммунал хўжалик</b>	<b>1711,3</b>	<b>4,2</b>
<b>соғлиқни сақлаш</b>	<b>874,0</b>	<b>2,2</b>
<b>таълим</b>	<b>976,8</b>	<b>2,4</b>

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
маданият ва санъат	284,5	0,7
бошқалар	1886,1	4,6

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестицияларини ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2015 йилнинг январь–декабрида умумий майдони 11663,9 минг кв.м (2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 103,2 фоиз) бўлган 82,0 мингта уй ёки 85,7 мингта хонадон, шу жумладан қишлоқ жойларида 8561,8 минг кв.м (102,2 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Касалхоналар, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини янгидан қуришда ва капитал қайта таъмирлашда 396,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 45,4 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 299,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,1 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 30,7 фоизини ташкил қилади.

Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва қайта таъмирлашда 265,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 1,9 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 27,2 фоизини ташкил қилади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 378,4 млрд. сўм ўзлаштирилиб, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 185,3 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 49,0 фоизи), чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан 167,8 млрд. сўм (44,3 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 21,7 млрд. сўм (5,8 фоизи), корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 1,6 млрд. сўм (0,4 фоизи) ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2,0 млрд сўм (0,5 фоизи) ўзлаштирилди.


Газ тармоқлари қурилишига 13,6 млрд. сўм миқдорда аҳоли маблағлари ҳисобидан (100 фоиз) ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2015 йилнинг январь–декабрида 25329,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 117,8 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Нодавлат мулкчилик шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 23812,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари хажмининг 94,0 фоизини ташкил қилди.

## Транспорт

Юк ташиш. 2015 йилнинг январь–декабрида барча турдаги транспорт томонидан 1534,0 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 105,1 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга юк айланмаси 88,9 млрд.тн–км.ни ёки 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 103,7 фоизни ташкил этди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:


2015 йил январь–декабрь	2014 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида

	2015 йил январь–декабрь	2014 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташилган юк, млн.тн.</b>	<b>1534,0</b>	<b>105,1</b>
<b>темир йўл транспортида</b>	<b>67,7</b>	<b>103,0</b>
<b>автомобил транспортида</b>	<b>1398,5</b>	<b>105,4</b>
<b>ҳаво транспортида, минг тн</b>	<b>24,5</b>	<b>106,2</b>
<b>қувур йўллари орқали</b>	<b>67,8</b>	<b>103,0</b>
<b>Юк айланмаси, млн.тн–км</b>	<b>88868,7</b>	<b>103,7</b>
<b>темир йўл транспортида</b>	<b>22936,1</b>	<b>100,0</b>
<b>автомобил транспортида</b>	<b>33934,2</b>	<b>107,9</b>
<b>ҳаво транспортида</b>	<b>131,0</b>	<b>104,8</b>
<b>қувур йўллари орқали</b>	<b>31867,4</b>	<b>102,1</b>

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига  
нисбатан фоиз ҳисобида





**2015 йилнинг январь–декабрида магистрал темир йўл транспорти–  
да асосий турдаги юкларни ташиш қуйидагича ифодаланади:**

	минг тонна	2014 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Юклар – жами</b>	<b>67716,8</b>	<b>103,0</b>
<b>шу жумладан:</b>		
тошкўмир	3959,1	85,9
нефт маҳсулотлари	10623,4	100,2
қора металллар	950,5	110,5
қора метал темир–терсаклари	710,9	107,3
кимёвий ва минерал ўғитлар	4173,8	94,2
қурилиш материаллари	8245,0	114,8
цемент	5360,5	100,4
ёғоч–тахта материаллари	46,6	43,5
дон ва янчилган дон маҳсулот– лари	1258,8	96,1

Автомобил транспортида 1398,5 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 5,4 фоизга кўпдир. Автомобил транспорти юк айланмаси 33,9 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 7,9 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортидаги юк айланмаси 2014 йил январь–декабрь даражасидан 7,5 фоизга кўпайди ва 25,6 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 75,5 фоизни (2014 йил январь–декабрда–75,7 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 24,5 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 6,2 фоизга кўпайди, юк айланмаси эса 4,8 фоизга кўпайиб, 131,0 млн.тн–км.ни ташкил қилди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 31,9 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 фоизга кўпайди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 7589,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2014 йил январь–декабрига нисбатан 3,6 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 5,7 фоизга кўпайиб, 105,8 млрд. йўловчи–км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2015 йил январь–декабрь	2014 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>7589,4</b>	<b>103,6</b>
темир йўл транспортида	20,2	105,9
автомобил транспортида	7502,5	103,7
ҳаво транспортида	2,2	93,3
шаҳар электр транспор- тида	64,5	92,8
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км</b>	<b>105795,7</b>	<b>105,7</b>
темир йўл транспортида	3793,1	100,9
автомобил транспортида	94775,7	106,8
ҳаво транспортида	6780,7	96,3
шаҳар электр транспор- тида	446,2	95,0

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,9 фоизни, йўловчи айланмасида эса 89,6 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 5,9 фоизга ошди ва 20,2 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси эса 0,9 фоизга ошди ва 3793,1 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 2180,8 мингта йўловчи ташилди, бу кўрсаткич 2014 йилнинг январь-декабрига нисбатан 6,7 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса 6780,7 млн. йўловчи-км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,7 фоизга пасайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2014 йилнинг январь-декабрига нисбатан, мос равишда, 3,2 фоизга камайди.

## Товарлар ва хизматлар бозори

2015 йилнинг январь-декабрида чакана савдо товар айланмаси 71025,6 млрд. сўмни ёки 2014 йилнинг тегишли даврига нисбатан 115,1 фоизни ташкил қилди.

2015 йилнинг январь-декабрида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд.сўм	2014 йилнинг январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	71025,6	115,1	100,0
давлат мулки	95,4	95,1	0,1
нодавлат мулки	70930,2	115,1	99,9

шундан:

	млрд.сўм	2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
фуқароларнинг хусусий мулки	51949,0	119,3	73,1

Йирик корхоналар чакана савдо товар айланмаси 9185,7 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 9,0 фоизга ортди. Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналар улуши 12,9 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг чакана савдо товар айланмаси 16,0 фоизга кўпайиб, 61839,9 млрд. сўмни, чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши эса 87,1 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари товар айланмаси умумий ҳажмида уюшмаган савдо товар айланмаси 10843,6 млрд. сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 9,8 фоизга ошди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 15,3 фоизни ташкил қилди.

2015 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2014 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	71025,6	115,1	100,0
йирик корхоналар	9185,7	109,0	12,9
кичик тадбиркорлик	61839,9	116,0	87,1
шундан уюшмаган савдо товар айлан- маси	10843,6	109,8	15,3

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 2015 йилнинг январь–декабрида 27346,2 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 110,8 фоизга ўсди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилиб, 15342,7 млрд. сўмни ташкил қилди (умумий ҳажмнинг 56,1 фоизи) ва 7,9 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 14,9 фоизга ўсиб, 12003,5 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 43,9 фоизни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 873,7 минг сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 8,9 фоизга ортди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 86,5 фоизни ташкил қилди.

2015 йилнинг январь–декабрида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	27346,2	100,0
давлат мулки	3700,6	13,5
нодавлат мулки	23645,6	86,5
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	12477,9	45,6

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар улуши 9,9 фоизни ёки 2711,9 млрд. сўмни ташкил қилди, уларнинг реал ҳажми 2014 йилнинг январь–декабрига нисбатан 17,4 фоизга ортди.

Маиший хизматларнинг 87,9 фоизи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 2383,5 млрд. сўмни ташкил қилди ва 18,0 фоизга ошди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2015 йилнинг январь–декабрида қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>89326,3</b>	<b>114,0</b>	<b>100,0</b>
<b>шу жумладан асосий турлари     бўйича:</b>			
<b>Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари</b>	<b>4724,1</b>	<b>115,4</b>	<b>5,3</b>
<b>Компьютерли дастурлаш хизматлари</b>	<b>222,9</b>	<b>113,4</b>	<b>0,2</b>
<b>Молиявий хизматлар</b>	<b>8191,4</b>	<b>130,0</b>	<b>9,2</b>
<b>Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)</b>	<b>23816,2</b>	<b>105,1</b>	<b>26,7</b>
<b>Қурилиш хизматлари</b>	<b>5388,6</b>	<b>118,6</b>	<b>6,0</b>
<b>Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш</b>	<b>794,9</b>	<b>109,8</b>	<b>0,9</b>
<b>Қишлоқ хўжалик техникалари- ни таъмирлаш ва техник хиз- мат кўрсатиш</b>	<b>105,7</b>	<b>114,7</b>	<b>0,1</b>
<b>Туризм-саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда)</b>	<b>451,4</b>	<b>115,9</b>	<b>0,5</b>
<b>Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари</b>	<b>20832,5</b>	<b>118,1</b>	<b>23,3</b>
<b>Маиший хизматлар</b>	<b>3693,2</b>	<b>117,5</b>	<b>4,2</b>
<b>Таълим хизматлари</b>	<b>2623,7</b>	<b>108,9</b>	<b>2,9</b>
<b>Соғлиқни сақлаш хизматлари</b>	<b>1094,7</b>	<b>117,3</b>	<b>1,2</b>
<b>Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар</b>	<b>533,0</b>	<b>114,7</b>	<b>0,6</b>

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Бошқа хизматлар	16854,0	113,0	18,9

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар 130,0 фоизга, қурилиш хизматлари 118,6 фоизга, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 118,1 фоизга, маиший хизматлар 117,5 фоизга, соғлиқни сақлаш хизматлари 117,3 фоизга, туризм-саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда) 115,9 фоизга, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 115,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги техникаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хизматлари 114,7 фоизга ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар 114,7 фоизга ошиб, юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (логистика хизматларини қўшган ҳолда) (жами хизматларнинг 26,7 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (23,3 фоизи), молиявий хизматлар (9,2 фоизи), қурилиш хизматлари (6,0 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5,3 фоизи) ҳиссасига тўғри келди.

## Нархлар

### Январь-декабрда наrx индексларининг ўзгариши (наrx-навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	ўртача ойлик даражаси		декабрь оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2014й.	2015й.	2014й.	2015й.
Истеъмол нархлари индекси	0,5	0,5	6,1	5,6
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	1,2	1,1	14,8	13,8

### Январь-декабрда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари (ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

2014й.	2015й.
--------	--------

	2014й.	2015й.
<b>Жами</b>	<b>114,8</b>	<b>113,8</b>
шу жумладан:		
электроэнергетика	150,3	114,9
ёқилғи саноати	119,2	107,7
қора металлургия	105,2	115,4
рангли металлургия	113,3	115,6
кимё ва нефт-кимё саноати	113,3	115,4
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	104,6	123,6
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	109,9	104,1
қурилиш материаллари саноати	92,7	105,7
енгил саноат	108,4	111,7
озиқ-овқат саноати	113,0	111,4
ун-ёрма саноати	109,1	100,0

### Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига республика доимий аҳолисининг сони 31576,4 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 553,9 минг кишига ёки 1,8 фоизга кўпайди. Шундан, 15964,0 минг киши – шаҳар жойларида (аҳоли умумий сонининг 50,6 фоизи) ва 15612,4 минг киши – қишлоқ жойларида (49,4 фоизи) истиқомат қилади.

Январь-декабрда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари қуйидагича ифодаланади:

	минг киши		ҳар 1000 кишига	
	2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил
Туғилганлар	718,0	735,8	23,3	23,5
Ўлганлар	149,8	152,9	4,9	4,9



	минг киши		ҳар 1000 кишига	
	2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил
шу жумладан бир ёшгача болалар <sup>*)</sup>	7,7	8,3	10,8	11,4
Никоҳлар, мингта	296,1	287,6	9,6	9,2
Ажралишлар, мингта	28,8	29,6	0,9	0,9

Туғилиш даражаси. 2015 йилнинг январь–декабрида туғилганлар сони 735,8 мингтани ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига (718,0 минг киши) нисбатан 17,8 мингтага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 23,5 промиллени ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига (23,3 промилле) нисбатан 0,3 промиллега кўпайди.

Ўлим даражаси. 2015 йилнинг январь–декабрида ўлганлар сони 152,9 мингтани ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига (149,8 минг киши) нисбатан 3,1 мингтага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,9 промиллени ташкил қилди (2014 йил январь–декабрда – 4,9 промилле).

Ўлганлар умумий сонидан 58,9 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,6 фоизи – ўсма касалликларидан, 5,9 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 6,6 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг январь–декабрида бир ёшга тўлмаган 8,3 мингта болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 11,4 промиллени ташкил қилди (2014 йилнинг январь–декабрида – 10,8 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 59,0 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 23,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 9,1 фоизи – туғма аномалиялардан ва 3,4 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2015 йилнинг январь–декабрида ФҲДЁ органларида 287,6 мингта никоҳлар ва 29,6 мингта ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,2 та никоҳ (2014 йилнинг тегишли даврида – 9,6 та) ва 0,9 та ажралишлар (2014 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг январь–декабрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 139,6 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 168,6 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 29,0

<sup>\*)</sup> Ҳар 1000 та туғилганга

минг кишига (2014 йилнинг шу даврида – минус 38,5 минг киши) тенг бўлди.

## Бандлик ва меҳнат бозори

Бандлик. 2015 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 13767,7 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 44,0 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 13058,3 минг кишини ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 фоизга ошди.

Бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси транспорт ва алоқа соҳасида (3,8 фоизга), уй–жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турида (3,6 фоизга), савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тайёрлов соҳасида (3,5 фоизга) ва қурилишда (3,3 фоизга) кузатилди.

2015 йилнинг январь–декабрида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,8 фоизни ташкил этди.

Нодавлат секторида банд бўлганларнинг жами бандлар сонигаги улуши 82,2 фоизга етди, бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврида 81,9 фоизни ташкил қилган.

Ишсизлик\*). 2015 йил декабрь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 2,7 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврига (3,4 минг киши) нисбатан 20,5 фоизга камайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2015 йил январь–декабрида 709,4 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,2 фоизга тенг бўлди.

---

\* ) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида